## Самимий қутлов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига**

**Муҳтарам Президент жаноблари,**

**Наврўз байрами муносабати билан Америка халқи номидан Сизга самимий қутлов йўллаш менга мамнуният бахш этади. Бу яшариш ва янгиланиш байрами бизга она-замин бахш этган саховат туҳфасини эслатади. Шунингдек, бу ўзимизни кўпроқ мамлакатларимиз ўртасида муҳокама қилинган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни амалга оширишга бағишлайдиган ва биргаликда кўп муваффақиятларга эришишимиз мумкин бўлган даврдир. Умид қиламанки, шу соҳаларда ҳамкорлигимиз давом этади. Ўзбекистон мустақиллиги, хавфсизлиги мустаҳкамланади ва у янада равнақ топади, деган умиддаман.**

**Камоли эҳтиром билан,**

***Уильям КЛИНТОН,***
***Америка Қўшма Штатлари Президенти***

## Ҳумо қуши келтирган бахт

Милиция ходимлари бош кийимининг юқори қисмига қадала бошлаган Ҳумо қуши тасвири туширилган белги нафақат ходимларга, балки уни кўрганларга ҳам жуда ёқаётгани сир эмас. Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ҳамиддин Тўраев бу белгини фуражкасига тақаётганида кўнглидан жуда чиройли экан-а, деган фикр ўтиб, қалбида бир илиқлик пайдо бўлганди.

Не бахтки, яқинда унга ростдан ҳам омад кулиб боқди. Атиги бир донагина сотиб олган «Динамо-спринт» лотереясига «Тико» енгил автомашинаси чиқди.

Алалхусус, шуни айтиш мумкинки, Ҳумо қуши нафақат чиройли, балки бахт келтирувчи қуш ҳамдир. Шу боис, ички ишлар ходимларининг пешонасини ярқиратиб безаб турган бу қуш доимо бахт келтираверсин.

***Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,***
***милиция лейтенанти***

## 21 нафар келин-куёв

Навбаҳор туманида савобли ишга қўл урилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 42 нафар ўғил-қизининг бир йўла никоҳ тўйлари ўтказилди. Туман марказий ўйингоҳидаги бундай катта тўй ажойиб тантанага айланди. Савобталаб ҳомий ташкилотлар ва йирик фермерлар бу юмушни ўз зиммаларига олишди.

Таниқли санъаткор ва моҳир пазандалар хизматда бўлишди. Тўйда 21 нафар оилага асос солишди.

***Музаффар ШАРОПОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

## Яна бир «Жайҳун»

Янгибозор туманидаги «Жайҳун» жамоа хўжалиги гузарида кўҳна дарё номи билан аталувчи яна бир цех фаолият бошлади. «Воҳа» ҳиссадорлик жамиятига қарашли цехда 12 та тикув, 16 та тўқиш дастгоҳлари ўрнатилди ва бу ерда спорт анжомлари, болалар кийим-кечаклари тайёрлана бошланди.

Қишлоқдаги ихчамгина цехда Россия, Франция ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган, энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилиши билан бир гуруҳ ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлишди, айни пайтда цех маҳсулотларини хорижга чиқариш имкони яратилди.

***Рўзимбой ҲАСАН,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1999 йил 20 март, шанба • № 35-36 (24.431).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Наврўз — дунёнинг байрами

*Владимир ПАНОВ олган сурат*

Инсон табиатнинг бир бўлаги. У ҳамиша табиат оғушида яшайди. Инсонни табиатдан ташқарида тасаввур этиш қийин. Шунинг учун бўлса керак, кишиларнинг урф-одат ва анъаналарига риоя этишлари, табиат ўзгаришларини кутиб олишлари аввало табиат билан бевосита боғлиқ ҳодисадир.

Табиий жараён— тун билан куннинг баробарлашувини Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан жуда катта шод-ҳуррамлик билан кутиб олганлар. Бу Шарқ халқларида анъанага айланган. Ана шундай янгиланиш, покланиш палласини Наврўз, яъни Янги кун деб аташган.

Наврўз билан боғлиқ бўлган жуда кўп урф-одат ва анъаналар ҳамда ўйинлар мавжуд. Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида Наврўз кунлари ўйналадиган «Оқ сўнгак» номли ўйин ҳақида ёзади. Унда болалар ўзларига бошлиқ сайлайдилар. Бошлиқ қўлидаги сўнгакни узоққа ирғитади. Болалар унга қараб югурадилар. Кимки, шу сўнгакни қўлга олиб, ҳеч кимга бермай бошлиққа келтириб топширса, мукофот олади.

Турк хотинларининг ишлари кечалари (яъни, сумалак ва халим қозонлари атрофида) рақс қилиш ва болаларнинг иши оқ сўнгак ўйнаш, деб ёзади Навоий.

Наврўз ва бошқа анъаналаримизнинг айнан ҳамал ойида бўлиб ўтиши бежиз эмас. Ҳамал ойида табиатнинг яшариши бутун қурт-қумурсқалардан тортиб, ҳайвонот оламигача бўлган жамики жонзотларнинг уйғониш даври ҳисобланади.

Наврўзни Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан ардоқлашган. Наврўзга катта тайёргарлик кўрилган. Тозаликка, ободонлаштиришга беқиёс эътибор билан қараганлар.

Наврўз шундай улуғ кунки, бу кун барча гина-қудратлар унутиладиган, киши кўнгли қаҳр-ғазабдан покланади. Табиат янгилангани каби инсон руҳи ва қалби ҳам покланиши лозим.

Халқимиз ушбу кунда йиғноққа йиғилиб, узоқдан-узоқ сайл ўтказганлар. Йиғноқда ҳар хил ўйин-кулгулар, курашлар, беллашувлар бўлиб ўтган.

Юнон тарихчиларининг ёзишларича, қадимги юнонларда ҳам ҳамал ойида сайл бўлиб ўтар экан. Ана шундай сайлларда уйланмаган йигитлар ўзларига қиз танлар ва тўй маросимлари фақат ҳамал ойида бўлиб ўтар экан. Юзларига парда тортиқлик юнон қизлари икки қатор бўлиб, сайлгоҳда узундан-узоқ масофага тизилиб ўз ҳуснини кўз-кўз этиб туришаркан. Ўзига жуфти ҳалол ёр танлашга чиққан қизлар орасидан юриб, қайси бир қизнинг қаршисига келиб тўхтаса, шу қиз юзидаги пардасини очиб, ўз жамолини намойиш этар экан. Мабодо, қиз йигитга маъқул келса тўйга етарли бўлган совғасини қизнинг қўлига тутқазиб, ўзи билан бирга олиб кетар экан. Сўнг эртаси куни икки тараф келишиб тўйга ҳозирлик кўришар экан.

Навоийнинг салафлари ва замондошлари ҳам Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Юсуф Амирий ўзининг «Даҳнома» асарида Наврўздек муборак кунда минг хил оҳанг соҳиби бўлмиш булбулни ушбу мажлисга тортиш лозимлигини таъкидлайди. Зеро, булбул иштирок этмаса бу улуғ тантана ўтмаслигига ишора қилади.

***Бориб булбулни қилғин***
***мажлиси афруз,***
***Дегин, оҳанг тузким***
***бўлди Наврўз.***

XV аср бошларида яшаб ижод этган шоир Саид Аҳмад ўзининг «Ошиқлар мактуби» номли асарида Наврўз кунлари кўнгилни барча ғам-аламлардан фориғ этадиган дилпазир кун эканлигини, бундай кунда кўнгилни шод этувчи майни, умр жомини бод-бод сипқармоқ лозимлигини таъкидлайди.

***Кел, эй соқий, кетур***
***жоми дилафруз,***
***Ки ишрат чоғидур***
***ҳам фасли Наврўз.***

Қадим-қадимдан Наврўзни шоду ҳуррамлик билан кутиб олинишининг боиси шундаки, Наврўз, аввало баҳорнинг бошланиши, Янги йилнинг кириб келиши демакдир. Шунинг учун бу кунни шодиёна билан қарши олиниб, сўнг экин-тикинлар бошлаб юборилган. Янги кунга қадам қўйилган. Зеро, Наврўзнинг яна бир жиҳати кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, кўнгилни барча ғуборлардан поклаш палласидир.

***Акрам ЖУМАЕВ***

## Шодиёна арафасида

Касби туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, туман қиёфасини замонавийлаштириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Наврўз байрами арафасида Давлат суғурта Бош бошқармаси Қашқадарё вилоят дирекцияси Касби туман бўлинмаси янги бинога кўчиб ўтди. Бино қалити қурувчилар томонидан туман суғурта бўлинмаси бошлиғи Қувват Намозовга топширилди. Наврўз тантаналарига уланиб кетган тадбирда Давлат суғурта Бош бошқармаси Қашқадарё вилоят дирекцияси директори Омон Хушмуродов, туман ҳокими Намоз Сариқов тизим хизматчиларининг беқиёс меҳнатларини эътироф этишди.

***Бегмамат БОЙТУРДИЕВ***

## Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади

***Эртага халқимиз азалий, муқаддас Наврўз байрамни кенг нишонлайди. Жумладан, пойтахтимиз Тошкентда катта тантаналар, байрам намойишлари бўлиб ўтади. Шу боис шаҳримиз марказий ҳудудларида ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг қатнови тартибига бироз ўзгартириш киритиш тақозо қилинади. Ана шу чора-тадбирлар ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Бахтиёр Эрматов бизга қуйидагича маълумот берди:***

Байрам тантаналари асосан пойтахт шаҳримизнинг Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси, Ўзбекистон миллий боғи, Мустақиллик майдони, Халқлар Дўстлиги саройи майдони, Сайлгоҳ кўчалари каби марказий жойларда бўлиб ўтади. Шу боис қуйидаги йўлларда транспорт воситалари ҳаракати вақтинча тўхтатилади:

Халқлар Дўстлиги кўчасининг Муқимий кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасига қадар;

Асатулла Хўжаев кўчасининг Самарқанд дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача;

Ўзбекистон кўчасининг Халқлар Дўстлиги кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасигача;

Бобур кўчасининг Ботир Бобоев кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

Туроб Тўла кўчасининг Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

Абай кўчасининг Алишер Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача (жамоа транспорти А. Навоий кўчаси томонидан «Пахтакор» шоҳбекатига қадар ҳаракатда бўлади) ;

Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

Мустафо Камол Ота-турк кўчасининг Алишер Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

Амир Темур кўчасининг Амир Темур хиёбонидан Алишер Навоий кўчасига қадар;

Пушкин кўчасининг Амир Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;

Ҳамза кўчасининг Амир Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасигача;

Йўлдош Охунбобоев кўчасининг Амир Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасигача;

Мовароуннаҳр кўчасининг Амир Темур хиёбонидан Яккачинор кўчасигача;

Тарас Шевченко кўчасининг Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасигача;

Буюк Турон кўчасининг Афросиёб кўчасидан Хадича Сулаймонова кўчасигача;

Зарқайнар кўчасида ер ости йўлига қадар;

Тожи Расулов кўчасининг Халқлар Дўстлиги кўчасидан Қозиробод кўчасигача бўлган қисмларида, Мирзо Улуғбек хиёбонига туташ бўлган Ҳабиб Абдуллаев, Файзулла Хўжаев кўчаларида халқ сайли ўтказиладиган бошқа жойларда вазиятдан келиб чиқиб Навоий кўчасининг Абай кўчасидан Пушкин кўчасигача бўлган қисми ҳам ёпилиши мумкин.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини вақтинча тўхтатиш, ёпиладиган кўчаларни айланиб ўтиш учун жамоат транспортининг ҳаракатланиш йўналишига ўзгаришлар киритилади. Транспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун ҳам алоҳида жойлар ажратилади. Байрам тадбирлари тугаганидан сўнг эса аҳолининг уйларига етиб олишлари учун хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкиллаштирилиб, қўшимча транспорт воситалари ажратилади.

Шунингдек, метронинг «Халқлар Дўстлиги», «Ёшлик» бекатлари соат 8.00 дан 14.00 гача ёпиқ бўлади.

Жамоат тартибини сақлаш, йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун пойтахт милицияси ходимлари, шу жумладан ДАН хизматчилари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари жалб этилиб, барча имкониятлар ишга солинади. Тошкентликлар ва шаҳримизга ташриф буюрадиган меҳмонлар хавфсизлиги ва осойишталиги таъминланади.

***Бахтиёр Носирович фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга касбдошлари номидан табрик ҳам йўллаб қолди.***

**Абдураҳим ХАЛИЛОВ**

## Қалбларни нурга тўлдирди

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан шеърият шайдоларининг учрашуви бўлиб ўтди. Юртимизда айни Наврўз айёми кезаётган, байрамлар, тантаналар тўлқини мавжланиб турган пайтда шоирнинг баҳор кайфиятли шеърлари талаба ёшларнинг қалбини нурга тўлдирди.

Шоир талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

***Наргиза ТОШҚУЛОВА***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишни кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот бозоридан ўзига мос ўринни эгаллашига эришиш, республика ҳаёти ҳақида холис ахборотни дунёга тезкор тарқатиш тизимини яратиш, аҳолининг жаҳон миқёсидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистоннинг ҳукуматга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат ташаббускор гуруҳнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташкил этганликлари маъқуллансин. Агентликнинг низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги эътиборга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (Э. Ғаниев) ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З. Мирхўжаев) «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун агентликнинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион сўм ажратсин.

4. Агентлик, унинг бўлимлари, филиаллари ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар бўш қолган маблағларни ўз моддий-техника базасини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришга ва агентлик ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш шарти билан барча турдаги давлат солиқларидан, божхона божи ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек, валюта тушумининг бир қисмини мажбурий тарзда сотишдан уч йил муддатга озод қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) 1998 йил 1 январь ҳолатидаги баланс қиймати бўйича Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй биносидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг эҳтиёжига мувофиқ қисмини бир ой муддат ичида ажратиб берсин.

6. «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини белгиланган тартибда шаҳар ва ҳукумат телефонлари, бошқа зарур алоқа каналлари ва воситалари билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти «UzPAK» хизмати «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини шартнома асосида зарур техника жиҳозлари билан таъминлашда, «Интернет», бошқа тармоқлар ва агентликлар, шу жумладан хорижий тармоқлар ва ахборот агентликлари билан уланиш, ахборотларни тақдим этиш ва харид қилишида ёрдам кўрсатсин.

9. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Караматов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 март.

## Бир донинг минг дон бўлсин

*Мўъжизасиз мўъжизалар*

Қувасой шаҳридаги биолог олим Аҳмаджон Тешабоев фермер хўжалиги кўп йиллардан буён пайкалларда турли буғдой навларини экиб, чатиштириб, янги навлар етказиб келади. Ўзи биолог эмасми, ўсимликлар хусусиятини яхши билади. Мана беш йилдирки, фермер маҳаллий буғдой навларини Франциядан келтирилган навга чатиштириб, уларни Қувасойнинг иқлим ва тупроқ шароитига мослади. Фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан ҳам чакки эмас. Икки йилдан буён барча кўрсаткичлар бўйича «Ташаббус» танловида туманда биринчи ўринни эгаллаб келяпти. Аҳмаджон ака даласида доимо бешолти хил навли буғдой ўсади. Тажрибали фермер ўшалар орасидан ўз ерига мосини, ҳосили кўп, тупи бақувват, касалликка чидамлиларини танлаб олаверади.

— Ерга мен иложи борича камроқ дон сепаман. Одатда ҳар гектар ерга навига қараб 200-250 кило буғдой сепилса, мен 70-80 кило сепаман. Баъзи ерларимга эса тракторга мослама тиркаб, 20-25 килограммдан уруғ сарфлайман, холос. Масалан, ўзим яратган «Қувасой» нави ўта сийрак сепилади. Ҳатто буғдой орасига... ишлов бериш ҳам мумкин! Поясининг бўйи 80 сантиметрга етади. Унинг бир тупи 40-50 та бошоқ беради! Бир дона буғдой уруғи 80-100 тупга етади.

Айни кунларда фермер даласида бўлдим. Чиндан ҳам мўъжиза. Буғдой тўп-тўп ўсибди. Яъни, ҳар бир дона буғдой 50 тадан 80 тагача поя чиқарган.

Буғдойнинг авжи баланд. Фермер буғдойни доналаб, орасидаги масофани бир текис сақлаб, тартиб билан эккан.

Буғдой қатор ораларига худди маккажўхорига ишлов берилгандай ишлов берилган. Бу буғдой парваришида мутлақо янгиликдир.

***Алишер ИБОДИНОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

*«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»*

# Хоинларга орамизда ўрин йўқ

Билимсиз, маънавияти саёз кимсаларни турли йўлларга солиш осон. Бундайлар нафақат Ватан, халқ, ҳатто ўз ота-оналарининг ҳам қадрини, ҳурматини билмайдилар. Мустақил дунёқарашга эга бўлмаган, зуваласи пишмаган кимсалардан ҳар хил «шакллар» ясаш мумкин, улар ичи ковак, қурт еган дарахтга ўхшайди. Шу маънода, февраль воқеаларининг сабабчилари нафақат Ватанга, халққа, балки ўзларини ёруғ дунёга келтирган ота-оналарига ҳам сотқинлик, қабиҳ хоинлик қилдилар. Манфаат учун ҳар нарсага тайёр, шахсий манфаатни эл-юрт манфаатидан устун қўядиганлар ҳеч бир даврда, ҳеч бир вазиятда кечирилмаган. Чунки улар жиноятчилардир. Ундайларни халқимиз, икки бети ҳам қора, дейди. Мен юрак-юрагимдан жой олган Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли суҳбатларидан бир жумлани келтирмоқчиман: «Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз». Дарҳақиқат, бу бутун миллатимизнинг дилидаги гапдир.

*Абдураҳмон ШОЙҚУЛОВ,*
*Шўрчи тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.*

# Жасорат ҳар куни лозим

Одатда жасоратлилик, матонатлилик хислатларини биз доимо жангу жадаллардан излашга кўникканмиз. Бу ўринда ҳатто нега шундай, деган саволнинг ўзи ҳам ортиқчадек туюлади. Лекин шу кунлар сабоғидан — 16 февралда Тошкентда юз берган нохуш воқеадан сўнг бундай саволга ўрин борлигини ҳам ҳис қилаяпмиз. Аниқроғи, тинч-тотув, ҳатто муваффақиятлар оғушида яшаётганимизда ҳам биздан жасорат, матонат талаб этиларкан. Айнан ўша тинч-тотув ҳаётимизга хавф туғилмаслиги учун керак экан шу хислатлар. Агар бизда шундай хислатлар доимий бўлса, тинчликка дахл қилувчи шум ниятлилар орамизда юрмаган бўларди, улардаги ёвуз ниятни уларнинг қалбидалигидаёқ юлиб олган бўлар эдик.

Тасаввур қилинг, агар Президентимиз фаолиятида қўрқоқлик, чўчишнари турсин, салгина иккиланиш аломатлари сезилганда, мамлакатимиз, халқимиз бошига не кунлар тушмаган бўларди. Қўшни мамлакатлардаги воқеаларни ҳамма кўриб турибди. Қолаверса, мамлакатлар раҳбарлари ўртасида бизу сиз билмайдиган сиёсий мулоқотлар пайтидаги тортишувлар, ҳатто ёш мамлакатлар раҳбарларига нисбатан нописандлик билан қараш, тазйиқлар ҳам бўлади. Лекин бизнинг Президентимиз қайси анжуманда ўз сўзини ўтказа олмай чиққан? Бу ўринда юртбошимиздан нафақат сўзамоллик, балки ўта кучли сиёсий билим, мамлакатдан эса сиёсий барқарорлик, кучли иқтисодий кафолат талаб этилиши сир эмас.

Шундан буён Президентимизнинг халқ олдидаги ҳар бир чиқишидан шу жасоратни англаб тураман. Назаримда, шу кунларда пойтахтда юз берган ҳодисадан сўнг дастлабки сониялардаёқ юртбошимиз ўзини мардона тутди. Мамлакат раҳбари одамлар кўнглидаги таҳликани, ваҳимани суғуриб ташлади, одамларни тинч меҳнат маромидан чиқмасликка даъват этди. Бу ҳам фақат бизнинг юртбошимизга хос бўлган жасорат тимсоли эди.

Бўлиб ўтган воқеаларни эслаш қанчалик кўнгилсиз бўлмасин, унинг биз учун сабоқ бўладиган бир томони бор. Бу ҳам бўлса — қанчалик тинч-тотув, барқарор ҳаётга эга бўлмайлик, шунчалик жасоратлилик, матонатлилик хислатларини ўзимизда шакллантириб боравeришимиз лозим. Жасорат — бу огоҳлик демакдир. Жасоратни эса юртбошимиздан ўрганайлик.

*Чори ЛАТИПОВ*

# Ёшларимиз иродаси мустаҳкам

***Пойтахтимизда рўй берган террорчилик актлари ҳар бир кишига оғир ботди. Бизни жиноий воқеага ёшларнинг фикри кўпроқ қизиқтирди.***

**Нилуфар Жамолова (Тўрақўрғон):**

— Ўша куни қишлоққа меҳмонга боргандим. Сухандоннинг хабарини эшитяпману бошимдан совуқ сув қуйилгандай бўлди. Шошиб уйга жўнадим. Болам билан соғ-омон оилам бағрига қайтишим гумондек, гўё воқеа пойтахтда эмас, ёнверимда содир бўлгандай туюлди.

Ёшлар учун кўнгилочар тадбирлар аудиторияларга хос бўлиб қолмоқда. Менимча, бу тадбирларга ўзини одамовудай тутадиган, ёлғиз юрадиган ёшларни кўпроқ тортиш керак. Ўзгалар айрим ёшларнинг онгига ёвузликни жойлаётганда, биз уларнинг қалбига яхшилик, эзгуликни жойлай олмаймизми? Жойлаймиз, албатта. Фақат бунга эътибор керак.

**Алишер Жўраев (Уйчи):**

— Ҳар бир одамнинг ўз яшаш тарзи, ички интизоми бўлади. Ахлоқан, маънан пок интизом билангина ҳуқуқий демократик жамият қуриш мумкин. Назаримда, биз ички интизомга нисбатан беписанд бўлиб қолдик. Олий ўқув юртми, мактабми, меҳнат жамоасидами, интизом, тартибни мустаҳкамлаш зарур.

**Орифжон Дарвешов (Мингбулоқ):**

— Президентимиз, Ўзбекистондаги миллионмиллион ёшлар менинг фарзандларим, дедилар. Қай фарзанд ўз отасига қўл кўтарса, у оқпадар.

Истиқлол бизга эрк берди. Афсуски, эркинликни суиистеъмол қилиш ҳам кузатилмоқда. Чегараларимизни қаттиқ қўриқлаймиз. Гулдай юртимизга ҳасадгўй, нияти бузуқ кимсаларнинг ифлос қадамлари етмагани маъқул. Зеро, шаҳар бедарвоза эмас, деган нақл бор халқимизда.

*Маҳмуджон ПАРПИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

*Партия хабарлари*

# Холис таҳлил, одил баҳо

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми қарорлари асосида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби, Республика Олий Мажлиси депутати Латиф Гуломов маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар демократик жараёнларни чуқурлаштириш учун жамиятимизда қулай шарт-шароитлар яратишда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг фаол иштирок этганлигини таъкидладилар.***

***Холис таҳлил, қилинган ишларга танқидий баҳо бериш руҳида ўтган пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.***

**Ҳамид ИКРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

* * *

***Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят кенгашининг биринчи котиби Дўстмурод Қулматов «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган Сирдарё вилоят партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги масала юзасидан маъруза қилди.***

***Пленумда вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг ҳисоботи, партия бюджетининг 1998 йилда бажарилиши ва 1999 йил учун лойиҳаси, вилоят, шаҳар, туман партия конференциясини чақириш, ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, хотин-қизларнинг жамият ва партиядаги мавқеини ошириш бўйича масалалар муҳокама қилинди. Барча кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.***

**Абдужалил УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

* * *

***ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши пленуми иштирокчилари вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Эгамбердиевнинг «ЎзХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги ва вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Зиёда Абдуллаеванинг «ХДП вилоят ташкилотларининг хотин-қизларни жамият ва партиядаги мавқеларини ошириш бўйича вазифалари» хусусидаги маърузаларини тинглаб, муҳокама этдилар.***

***Бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.***

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

* * *

***ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг пленумида ҳам долзарб, ҳаётий масалаларга эътибор қаратилди.***

***ЎзХДП Андижон вилояти кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолиятни кучайтириш долзарб эканлигини уқдирдилар.***

***Пленум кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.***

**Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Ватан тимсоллари

*Санъат олами*



Табиат нечоғли бетакрор бўлса, инсон иқтидори ҳам шу қадар бетакрордир. Ўзича лойдан шакл ясаб ўтирган болани, шунчаки эрмак учун деб ўйлашимиз табиий. Аммо, ушбу лой шакллар келажакда унинг иқтидорини, имкониятини белгилаши мумкин эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Инсонга хос бўлган касб-корларда майда, кўримсиз деган нарсалар йўқ. Энг майда, арзимас нарсаларда ҳам оламни лол қолдира олиш санъати мужассам. Бунинг учун аввало киши ўз касбига юрак хоҳиши билан ёндашиши керак.

Мусаввирлик ўзига хос мураккабликларни елкасида ортиб юради. Оддий чизмаларда бутун бир халқни, миллатни, ватанни жонлантириш мумкин. Дунёга тарғиб қилиш мумкин. Ўзбек тасвирий санъатида иқтидорли мўйқалам усталари кўп. Дунё тан олганларини эса ҳисоби йўқ. Шарқ миниатюра санъати ҳалигача дунёни ларзага солиб келади. Унинг сир-синоатини, буёқлардаги жозибасининг сеҳрини билмоққа ошуфталар кўп, аммо Беҳзодлар ягона. Яқинда Ўзбекистон рассомлар Академияси, Самарқанд тумани ҳокимлиги, Осиё маданияти ва тараққиёти институти (Корея Республикаси), Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳамкорликда мусаввир Аслиддин Исаевнинг рангли тасвирий альбомини босмадан чиқаришди. Альбом Кореяда чоп этилди. Албатта, ушбу мажмуага сарф қилинган энг олий навли қоғоз, юксак дид билан намойиш этилган тасвирлар жилосидан кўра, мўйқалам устасининг ёркин маҳорати, миллий анъаналарга суянган ҳолда яратган бир олам маънога эга расмлари кўпчиликни ўзига тортиши табиий. Кореяликларни ҳам мафтун этган нарса дунё мусаввирчилик санъатидаги янги услуб, бетакрор ранглар жилоси бўлса ажаб эмас.

Устанинг альбом — китобини варақлар эканман, ҳар бир тасвирда қадим Турон маънавияти, азиз ва ардоқланган мероси чаплама бўёқларда мужассамлашганининг гувоҳи бўлдим. Қадимги манбалардан маълумки, туркийлар маданиятида ҳайвонлар орқали буюкликни тараннум этиш юксак қадрланади. Ҳар бир ҳайвонот, паррандаю даррандалар маълум маъно касб этади. Айниқса, бўрининг бош тасвири дўстга садоқат, душманга нафрат туйғусини ифода этади. Мусаввир ҳам аждодлар анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилади.

Бир қарашда қадим маъвонинг жилоси туман аралаш турли хил ранглар билан тасвирланса-да, эътибор берилганда соҳибқирон Амир Темурнинг: «Ким бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларга боқсин», деган жумлаларининг маъноси англаб олинади. Мусаввир ижодида тўй тантаналари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари бўлгани каби ўзбекларнинг ҳам ўзига хос, бетакрор анъаналари мавжуд. Никоҳ тўйларидаги удумлар биринчи галда хориж-лик мухлисларда катта қизиқиш уйғотса, ҳозирги кунда баъзи одатларнинг унутилиб кетилаётганлиги сабаб маҳаллий аҳолида ҳам илиқ тасаввур уйғотиши табиий.

Аслиддин Исаев ҳамкасби Х. Салоҳиддинов билан ҳамкорликда яратган «Буюк ипак йўли» тасвирий асари қирқ уч метр узунликда деворга чизилган. Энг ҳайратланарлиси, ушбу тасвирда Хитой, Ҳиндистон, Самарқанд, Миср, Юнонистон ва Италия мамлакатлари шу қадар усталик билан чизилганки, кўриб мусаввирларни баъзида хитойлик ёки италиялик бўлган, йўқ-са ўзга мамлакатларни бунчалик теран тасвирлай олмасди, дейишингиз табиий.

Бир гал йўлим тушиб Китоб туманидаги Мингчинор оромгоҳига боргандим. 86-йиллар эди. Баланд қирнинг тепа қисмига қараб, қир бағрини ўйиб зина қилинган экан. Биз зинадан юқорига кўтарилдик. Энг тепасида икки бургутнинг бир-бирини жон-жаҳди билан чўқиётгани тасвирланган темир ҳайкал бор экан, мен: нега айнан шундай ҳолатда тасвирланган, деб сўрадим, бизни олиб чиққан йигитдан. У елка қисди. Ҳамроҳларимиздан бири ҳазил аралаш: «Икки туркий бир-бирини маҳв этяпти», деди. Ҳа, оддий тасвирда бир олам маъно борлиги аён. Мусаввир Аслиддин аканинг чизганларида ҳам миллатнинг тарихи, маънавияти, залворли қудрати бугунги ёшларга эртак суйлайди.

Аслиддин ака қадим Мовароуннаҳрнинг кечмишини жуда яхши англайди. Ўқиган бошқа уққан бошқа, деб шунга айтса керак. У кишининг қонида аждодлар қони оқаётганини чизган расмларидан ҳам билса бўлади. Миллий либослар шунчаки чизилмайди, балки унинг ортида ватан, миллат, аждодлар руҳи тургани ҳис қилиб чизилади. Ушбу альбом ўзбекнинг иқтидори нечоғли юксак эканлигини дунёга яна бир бор намойиш қилган бўлса ажаб эмас.

*Юсуф ЖЎРАЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

# Шукуҳли умр

Инсон умри ҳам табиат фасллари каби баҳор, ёз, куз ва қишдан иборат. Фақат табиатда бу фасллар даврийликка эга, инсон умрида эса улар қайтарилмайди.

Ватан мустақилликка юз тутганида Ёлқин ака Соатовда, спортчилар таъбири билан айтганда, «иккинчи нафас» пайдо бўлди. Профессор, моҳир педагог яна кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўзини аямай 1990-1998 йиллар давомида улкан ишларни амалга оширди. Техника олий ўқув юртлари учун етти жилдлик «Олий математика» дарслиги яратилди. Дастлабки уч жилди бакалаврлар тайёрлаш учун мўлжалланган бўлса, қолган тўрттаси олий математикани махсус курслари бўлиб, магистрлар тайёрлашга мўлжалланган. Шулардан 1-,2-,3-жилдлари 1992-, 94-, 96- йилларда, 4-,5-жилдлари эса 1998 йилда, вафотларидан сўнг нашрдан чиқди.

Академик Қори Ниёзий 1929-1939 йилларда математикадан ўзбек тилида биринчи бора дарслик ва қўлланмалар яратган эди. ЎзФА Президенти Ҳ.Абдуллаев, академиклар Х.Рахматуллин, Қори Ниёзий, М.Ўрозбоев, С. Сирожиддиновлардан йўл-йўриқлар олганлигидан, улар билан ҳамнафас бўлганлигидан, Х.Фозилов, В. Қобулов, К.Аҳмедов каби академиклар билан бирга ишлаб келаётганлигидан фахрланиб юрган профессор Ё. Соатов олий математикадан давлат тилида давр талабига мос дарсликлар туркумини яратишга журъат этган иккинчи ўзбек олими эди.

Дарсликни учинчи жилди нашрдан чиққанида устознинг ушбу сўзлари ҳамон ёдимда: «Ҳаёт сўқмоқлари хўб нотекис экан. Лекин ижодий меҳнат бунга аҳамият бермасликка ўргатади ва шу меҳнат вақти келиб ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди». Кўп ўтмай бу фикр ўз тасдиғини топди. Устоз вафотларидан кейин республика бўйича яратилган дарсликлар танловида улар яратган дарсликлар туркуми биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Ўтган йил июнь ойининг 27-куни, шанба, ўқув йилининг сўнгги кунлари. Аспирантлардан бирининг номзодлик диссертацияси тугалланиш арафасида эди. У билан бирга ўтириб ишлашди, кейин илмий ишни амалий тадбиқ, номзодлик минимумларини топшириш масаласида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига бориб келишди. Соат 15 ларда хайрлашдик. Эртасига 28 июнь субҳидам 4.30 ларда «Домлани бериб қўйдик», — деб телефон қилишди. Бу армонли умр шу тариқа «чирс» этиб узилди, узилди-ю мангуликка юз тутди. Нега армонли? Чунки ҳали режалар катта эди, кўп ишлар чала қолди. Яратилган дарсликлар қорақалпоқ ва рус тилларига таржима қилинаётганди. Бу умр шукуҳли умр эди, чунки у бекорга, ҳаёт икир-чикирларига ўралашиб эмас, яратиш, эзгулик тамойилларига амал қилган ҳолда ўтди.

*Р. ИСОМОВ,*
*Тошкент Архитектура-қурилиш институти «Олий ва амалий математика» кафедрасининг доценти.*

# Моллар «бебош»ми

*ёки эгалари «қулоқсиз»ми?*

Бир неча йилдирки, республика раҳбарияти томонидан халқимиз ризқи бўлган экинзорлар пайҳон бўлишининг олдини олиш мақсадида махсус Фармонлар, қарорлар чиқарилмоқда. Ушбу қарорлар талабларини бажариш зиммасига юкланган масъул идоралар томонидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, республика ички ишлар идоралари ходимлари элимиз ризқига бу тарзда эътиборсиз бўлаётган кишиларни аниқлаб, уларга тегишли жазо чораларини қўллаётир. Ҳатто айрим фуқароларнинг бебош моллари сўйилиб, уларнинг гўшти «Меҳрибонлик» уйларига, кам таъминланган оилаларга топширилмоқда.

Ички ишлар вазирлигида тузилган, махсус штабдан олинган маълумотларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш бўйича олиб борилган ишлар натижасида шу кунгача олти мингдан зиёд моллар-нинг экинзорларни пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланган. Булар 140 гектардан зиёд майдондаги экинларни пайҳон қилиб, қанча-қанча ҳосилни нобуд қилган. Қолаверса, деҳқон меҳнатини ҳам саробга айлантирган. Албатта, бундай моллар эгаларига нисбатан чоралар кўрилди.

Моллари экинларни пайҳон қилган кишилардан 1969 нафар кишига 1 миллион 700 минг сўм миқдорида жарима солиниб, ундириб олинди. Жаримага тортишлар, «Молларингизни экинзорларга туширманглар», — деган огоҳлантиришлар керакли натижани беравермагач, айрим «қулоқсиз» кишиларга нисбатан кескин чоралар қўлланилиб, экинзорларга катта миқдорда моддий зарар етказган моллар эгалари жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳатто етказилган зарарни ундириб олиш ва бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида баъзи бир фуқароларнинг 111 бош моли жойлардаги фуқаролар йиғинларининг қарори билан сўйилиб гўштлари «Меҳрибонлик» уйларидаги болаларга, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Масалан, Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги И. Қурбонов номли ширкатлар уюшмасида яшовчи Э. Пардаевнинг отлари ушбу хўжаликнинг ғалла майдонига жиддий зарар етказганлиги учун улардан бири «Адиробод» фуқаролар йиғини қарори билан сўйилиб, гўшти «Меҳрибонлик» уйига топширилди. Шунингдек, Зарбдор тумани «Андижон» ширкатлар уюшмасида яшовчи Х. Ўсаровнинг ҳам отлари экинзорларни пайҳон қилгани учун улардан бири сўйилиб гўшти кам таъминланган оилаларга тарқатиб берилди. Ушбу вилоятнинг Зомин тумани «Чорвадор» ширкатлар уюшмасида яшовчи Т.Эшбўтаевнинг ҳам 5 бош қорамоли экинларини пайҳон қилгани учун «Туркман» фуқаролар йиғининг қарорига кўра бир боши сўйилиб гўшти «Меҳрибонлик» уйига топширилди.

Жиззах туманидаги «Ровот» жамоа хўжалигида яшовчи, ишламайдиган Ғ. Эшбековнинг 300 бош қўйи шу хўжаликнинг салкам бир гектар майдонидаги экинзорни нобуд қилгани учун унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги Ш.Рашидов номли ширкатлар уюшмасида яшовчи С.Жайнаровнинг 23 бош қорамоли шу уюшманинг салкам беш гектар майдондаги экинларини пайҳон қилганлиги учун унга 134 минг сўм миқдорида жарима солинди ва ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Ички ишлар ходимлари Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги А. Икромов номли жамоа ширкат хўжалигида яшовчи П.Ўлжаевнинг 3 бош оти шу хўжаликнинг ғалла майдонини пайҳон қилгани учун отларнинг эгаси билан бирга шу хўжалик бригадири Ш.Шодиевни ҳам маъмурий жавобгарликка тортишди. Туман суди томонидан қаровсиз қўйиб юборилган отлар эгаси 1320 сўм, экинзорга масъул раҳбарга 2640 сўм миқдорида жарима солинди.

*Ботир ЗИЁЕВ,*
*ИИВ матбуот маркази бошлиғи, милиция подполковниги.*
*Шуҳрат РЎЗИЕВ,*
*ИИВ матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани*

# NATIONAL ELECTRONICS, INC., AMERICA UZBEKISTAN, шўъба корхонаси

Ўзбекистон фуқароларини Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

*Яратган Оллоҳ хонадонларингизга Наврўз каби мунавварлик, ҳаётингизга доимо нур ато этсин! Жаннатмакон юртингизда доимо тинчлик ва осойишталик бўлсин!*


# Полвонларга қувватбахш Наврўз

**Тошкентда «Мустақиллик кубоги» учун халқаро кураш мусобақаси байроғи кўтарилди**

Наврўз нафаси кезиб юрган тароватли кунларда ёшу қарининг дала ва боғларга чўғланиши, чавандозлик сайлларида қатнашиши, муҳими полвонларнинг кенг давра ўртасида энг кучлиларни ўртага чорлашлари азалий удумларимиздан. Шу кунларда пойтахтимизда кураш бўйича нуфузли мусобақанинг ўтказилаётгани эса шу маънода ўзига хос уйғунликни касб этмоқда. Жаҳон андозаларига мосланган «Юнусобод» спорт саройи икки кундан бери ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда эркин ва юнон-рум кураши турлари бўйича анъанавий халқаро мусобақа — «Мустақиллик кубоги» учун беллашувлар давом этмоқда.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов билан Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси — FILA президенти Михай Бира совриндорлик баҳсининг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётгани, Тошкент баҳсларига қизиқиш бениҳоя экани ҳақида сўзладилар. Республика спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов мусобақани очиқ деб эълон қилади. Мадҳиямиз садолари остида мовий яшил байроғимиз оҳиста кўтарилди. Тантана санъаткорларнинг чиқишлари билан кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Бу мусобақанинг тарихи ҳозирча қисқа, бор йўғи учинчи марта уюштирилди. Лекин баҳсларга бўлган муносабат ва қизиқиш тобора кучаймоқда. Хусусан, икки йил аввал фақат эркин кураш бўйича ташкил этилган мусобақада атиги 7 мамлакатдан вакиллар қатнашганди. Бултур эса эркин курашчилар қаторига юнон-рум кураши усталари ҳам қўшилдилар. Иштирокчилари эса 10 мамлакатдан экани аён бўлди. Қизиғи шундаки дастлабки турнир куз ойларида уюштирилган бўлса бултургиси май ойида бўлиб ўтганди. Мана энди табиат уйғонаётган, кундан-кунга яшнаётган, баҳор нафаси кезаётган ажиб табиатли юртимиз пойтахтида навбатдаги мусобақанинг ўтказилиши полвонлар руҳини кўтариб юборди. Оз эмас кўп эмас 20 га яқин мамлакатдан 200 дан кўпроқ полвонни ғолиблик учун беллашаётгани эса мусобақага эътибор ниҳоятда катта эканидан нишонадир. Республика спорт кураши ассоциацияси президенти Аҳрор Рўзиев мусобақа арафасида уюштирилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўзлади. Мухлислар, жумладан, АҚШ, Польша, Туркия, Эрон, Япония, Корея, Хитой, Қозоғистон, Озарбойжон, Россия, Грузия каби мамлакатлардан келган моҳир полвонлар беллашувидан завқ олмоқдалар.

Албатта, мухлису мутахассислар, қолаверса, спортчилар Тошкент мусобақаларига шунчаки ошуфта бўлишаётгани йўқ. Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси — FILA президенти Михай Бира таъкидлаганидек, ҳали ҳеч бир мамлакатда бундай нуфузли мусобақани уюштиришда ўзига хос тантанаворлик, қулай шарт-шароит ва меҳмонновозлик кўрсатилмаган экан. Шунингдек, россиялик олимпиа ва олти марта жаҳон чемпиони Сергей Белоглазовнинг: « Қани энди МДҲ мамлакатларининг ҳар бирида ана шундай беллашувлар уюштирилса», деб орзу қилиши ҳам бежиз эмас.

Мусобақага мамлакатимиз полвонлари ҳам пухта ҳозирлик кўришган. Уларнинг бирдан бир нияти совринли ўринларни эгаллаб, кучлилар қатори май ойи охирида Тошкентда ўтказиладиган Осиё чемпионатида иштирок этиш. Мухлислар Рамил Исломов, Руслан Хинчагов, Моис Ибодов, Юрий Витт, Игорь Купеев, Ислом Кенжаев, Дилшод Орипов, Григорий Пуляевларга умид боғлаб туршибди. Ғолиблар эса эртага ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувлардан кейин маълум бўлади.

*Ҳайдар НОСИРОВ*

# Урилган тўплар яхши

Мамлакат футбол миллий чемпионати бошланди. Мамлакатимиз 8 шаҳрида дастлабки учраушвлар ўтказилди. Бу йилги чемпионатнинг ўзига хослиги шундаки, бўлиб ўтган ўйинларда дарвозалар дахлсиз қолмади. Барча учрашувларда ҳужумкорлик, тўп учун кураш, нишонни аниқ олишга интилиш кўзга ташланди. Марҳамат учрашув натижалари билан танишинг: «Насаф» — «Хоразм» (1:2), «Зарафшон» — «Бухоро» (1:1), «Андижон» — «Сўғдиёна» (1:2), «Сурхон» — «Металлург» (1:1), «Дўстлик» — «Пахтакор» (1:1), «Трактор» — «Нефтчи» (1:2), «Самарқанд» — «Навбаҳор» (2:1), «Янгийўл» — «Темирйўлчи» (1:1).


# Самарқанд вилояти ҳокимлиги

**капитал қурилиш бошқармаси 1999 йил қурилиш режасидаги иншоотлар учун керак бўладиган кабель симлари ва жиҳозларни тендер асосида**

